

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

13-сон
(97)
2004 й.
апрель

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

149. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 марта 147-сон қарори
150. «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва са-марадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 марта 148-сон қарори
151. «Худудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 марта 149-сон қарори
152. «Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 марта 150-сон қарори
153. «Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштиро-кидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 марта 153-сон қарори

154. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 31 мартағи 154-сон қарори

Бешинчи бўлим

155. «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 24 январдаги 393-2-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 954-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
156. «Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисида низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 20 февралдаги 2004-04-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 809-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
157. «Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 294-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 681-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
158. «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 34-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 468-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
159. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчиға бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 439-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 673-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
160. «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобвақларини юритилиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 231-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 510-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
161. «Айирбошлаш шоҳобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил

21 февралдаги 505-4-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 марта 1114-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

162. «Тижорат банклариға чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 31-2-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 29 марта 463-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
 163. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилғи маҳсулотлари миқдорларини етказиб бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2001 йил 5 марта 56-сонли буйруқни бекор қилиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2004 йил 17 марта 71-сон қарори. (2004 йил 29 марта давлат реестридан чиқарилди, рўйхат рақами 1015-сон)
 164. «Акциядорлик жамиятларида давлат ишончли вакиллари фаолиятини тақдирлаш тартиби ва Давлат акциялари пакетларининг ишончли бошқарувчилари фаолиятини тақдирлаш тартибини ўз кучини ўқотган деб ҳисоблаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлигининг 2004 йил 4 марта 01/06-05, 39, 12/727-сон қарори. (2004 йил 29 марта давлат реестридан чиқарилди, рўйхат рақами 601, 602-сон)
 165. «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобваракларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 232-4-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 марта 511-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
 166. «Юк ташиб, газ ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси худудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзлари бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 12 марта 44, 251-В-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 марта 1331-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
 167. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари хамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-сон ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 марта 6/7-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 апрелда 1204-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 27 марта 2 апрелгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

149 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 март,
147-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 29 марта 147-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 17 июнядаги 301-сон қарорида:

4-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

9-банд ўз кучини ўқотган деб хисоблансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ташкилий-кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида» 2000 йил 3 августдаги 303-сон қарорининг 2-банди ўз кучини ўқотган деб хисоблансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 62-модда) 5-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 24 июлдаги 325-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 67-модда) 15-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

150 Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалиги экинларини зааркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш ишлари сифатини яхшилаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш, ҳимоя тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш Республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тугатилган «Ўзишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари негизида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказини бошқариш ижро этувчи аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 20 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 17 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Республика агрокимё станцияси марказий аппарати, Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар агрокимё станцияси аппарати тузилмаси 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигига ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш, ўсимликлар касалликлари, қишлоқ хўжалиги зааркунандалари, бегона ўтлар ва чигирткага қарши курашиш ва уларнинг профилактикаси бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш;

комплекс тадқиқотларни амалга ошириш, зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши имкониятларини ўрганиш ва прогноз қилиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳимоянинг кимёвий ва биологик воситалари, стимуляторлар билан таъминлаш;

кишлоқ хўжалиги корхоналари ва ахолини ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида методик таъминлаш, қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатиш бўйича ишларни шартнома шартларида амалга ошириш;

кишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зааркунандаларини қириб ташлашнинг илмий асосланган тадбирларини ўтказиш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда:

Адлия вазирлиги билан биргаликда Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази тўғрисидаги низомни, унинг худудий бўлинмалари тўғрисидаги

намунавий низомни, шунингдек Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тартибини тасдиқласин;

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларини билан биргаликда йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази худудий бўлинмаларини ташкил этишга доир ташкилий тадбирларни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар:

Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ҳамда унинг худудий ва тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятини бюджет маблағлари ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинадиган даромадлар хисобига молиялаштиришнинг амалдаги тартиби;

Ўзбекистон йўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари учун — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказидаги молиялаштириш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари саклаб қолинсин.

6. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига зарурат бўлганда Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг марказий аппарати ва тасарруфидаги ташкилотлар тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказига хорижий инвесторлардан тушадиган маблағлар, ҳалқаро грантлар ва бошқа манбалар (бюджет маблағларидан ташқари) хисобига белгиланган тартибда маҳсус инновация жамғармаси ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Тугатилган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг бўлинмалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган асосий ва айланма воситалар Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказига ва унга қарашли ташкилотларга берилсин.

8. Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази учун 2 та енгил автомобиль лимити белгилансин.

9. Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Бобур кўчаси, 4-йдаги Ўзбекистон йўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти биносига жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика йўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказини телефон алоқаси, шу жумладан Ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда амалдаги қонун хужжатларига ушбу карордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив хужжатларини ушбу карорга белгиланган тартибда мувофиқлаштирилсанлар.

12. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 март,
148-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 29 мартағи 148-сон қарорига
1-ИЛОВА

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ташкилий тузилмаси




* юридик шахс мақомига эга эмас

** 6 вилоядта 209 та ходимнинг молиявий таъминоти бюджет маблағлари хисобига амалга оширилади

*** 10 та ходимнинг молиявий таъминоти бюджет маблағлари хисобига амалга оширилади


Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 29 мартағи 148-сон карорига
2-ИЛОВА

**Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказининг ижро этувчи
аппарати тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 29 мартағи 148-сон қарорига
3-ИЛОВА


**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Ўсимликларни ҳимоя қилиш
марказлари ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 524 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 104 киши

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 29 мартағи 148-сон қарорига
4-ИЛОВА


Республика агрокимё станцияси марказий аппаратининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 28 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 киши

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 29 мартағи 148-сон қарорига
5-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар агрокимё станцияси аппаратининг тузилмаси



Республика бўйича ходимларнинг чекланган умумий сони — 686 киши (улардан — 52 кишининг молиявий таъминоти бюджетхисобидан амалга оширилади), шу жумладан бошқарув ходимлари — 91 киши (улардан — 13 кишининг молиявий таъминоти бюджетхисобидан)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

151 Ҳудудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ҳудудий бошқарув органларига юкланган функционал вазифаларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек қишлоқ туманлари ҳокимликлари тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарори билан белгиланган (7-илова) бошқарув ходимлари сони доирасида 1-иловага мувофиқ айрим қишлоқ туманлари ҳокимликлари тузилмасига ҳокимнинг биринчи ўринбосари — шаҳар ҳокими қўшимча лавозими киритилсин.
2. Қўрғонтепа, Ромитон, Зомин, Нишон, Сирдарё, Ҳазорасп ва Сариосиё туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг 2-иловага мувофиқ намунавий тузилмаси тасдиқлансин.
3. Мазқур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 март,
149-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 30 мартдаги 149-сон қарорига
1-ИЛОВА


Бошқарув аппарати тузилмасига ҳокимнинг биринчи ўринбосари — шаҳар ҳокими лавозими киритилаётган қишлоқ туманлари ҳокимликлари рўйхати

T/p	Қишлоқ туманлари номи	Киритилаётган лавозим
1.	Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Қорасув шаҳри ҳокими
2.	Бухоро вилоятининг Ромитон тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Газли шаҳри ҳокими
3.	Жиззах вилоятининг Зомин тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Даشتобод шаҳри ҳокими
4.	Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Талимаржон шаҳри ҳокими
5.	Сирдарё вилоятининг Сирдарё тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Баҳт шаҳри ҳокими
6.	Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Питнак шаҳри ҳокими
7.	Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани	Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Шарғун шаҳри ҳокими

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 30 марта 149-сон қарорига
2-ИЛОВА

Қўргонтепа, Ромитон, Зомин, Нишон, Сирдарё, Ҳазорасп ва Сариосиё туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси



Жами: 19 киши

* Сирдарё тумани ҳокимлиги аппаратида Ҳокимнинг капитал курилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарига бўйсунадиган бош мутахассислар сони — 2 киши (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига 7-илова)

**** Сарысөнгө түмани ҳокимлиги аппаратыда ҳокимнинг биринчи үрінбосари — шаҳар ҳокимига бўйсунадиган бош мутахассис 1 киши, ташкилий-назорат гурухида жами — 2 киши, шу жумладан гурух раҳбари ва етакчи мутахассис.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

152 Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

Олий ўкув юртлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини чукурлаштиришга доир замонавий талабларга мувофиқ қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори ва малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича иловага* мувофиқ таркибда маҳсус комиссия тузилсин.

2. Маҳсус комиссия ўз ишларида қўйидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқсан:

биринчидан, республикада тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар комплекси сифатида қишлоқ хўжалигида ерларнинг, энг аввало, сувориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлашдан тортиб маҳсулотларни этиштириш ва дастлабки қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган ўзаро боғлиқлик ва яхлитлик йўқотилган, бу борада уларни жаҳон ютуқлари даражасида қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришининг замонавий технологиялари ва усусларига йўналтириш айниқса муҳимdir;

иккинчидан, Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон бозорида меҳнат тақсимотининг тўла ҳуқуқли субъектларидан бири бўлиб қолаётганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ихтисослаштириш масаласи ҳал этилиши зарур бўлган фоят муҳим муаммолардан биридир. Энг аввало, этиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда республиканинг жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муносиб ўрин эгаллаши зарурияти устувор вазифа хисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан жойлашиши, унинг табиий-иқтисодий хусусиятлари, ерлар унумдорлигининг ҳолати фоят муҳимdir. Сув ресурслари билан таъминлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бизнинг шароитларимиз учун энг муҳим ва ҳал қилувчи омиллар хисобланади;

учинчидан, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, биринчи навбатда, ерлар унумдорлигини таъминлаш, селекция, уруғчилик, илфор технология ва агротехникани жорий этган ҳолда экинларни ўстириш билан боғлиқ масалалар билан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги бир нечта олий ўкув юртлари, шу жумладан Тошкент давлат аграр университети ва унинг Қорақалпоғистон Республикасидаги филиали, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари шуғулланмоқда. Вазифалар комплексини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш билан мамлакатнинг ихтисослашган қишлоқ хўжалиги олий ўкув юртлари шуғулланиши лозимлиги қонуний ҳолдир;

тўртингидан, маҳсулотларнинг 95 фоиздан кўпроғи сувориладиган ерлардан олинадиган Ўзбекистон шароитлари учун ҳамда экология ва ерларнинг ҳолати ёмонлашиб бораётганлигини хисобга олган ҳолда илмий изланишларни ва амалий тадқиқотларни чукурлаштириш ва шу асосда, биринчи навбатда, ирригация ва ерларни мелиорациялаш каби ихтисослашган ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашни ташкил этиш катта аҳамият касб этади, бунда қишлоқ хўжалигининг келажаги кўп жиҳатдан ушбу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқлиги назарда тутилиши керак. Уларга қўйидагилар киради:

* Илова берилмайди.

а) сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётган, давлатлараро сув оқимларини бошқаришда муаммолар мавжуд бўлган шароитларда сув хўжалиги асосий фондларининг замонавийлаштирилиши;

б) ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув оқимларини тўплаш ва тартибга солиш, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланишини бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, сувни тақсимлаш, унинг сарфланишини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, атроф мухитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этилиши;

в) сув ресурслари чекланган шароитда фермер хўжаликлари сонининг жадал ўсиши сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни талаб қилиши;

г) республикада фойдаланиш учун илмий ва инновацион ёндашувни ҳамда уларни замонавийлаштириш учун юкори малакали кадрларни талаб қиласиган кўплаб гидротехника иншоотлари, сув омборлари, суфориш ва дренаж мухандислик тизимларига эга бўлган мураккаб ва қудратли ирригация тизимларининг фаолият кўрсатиши;

д) ерларнинг қониқарсиз мелиоратив ҳолатининг, коллекторлар, мавжуд ёпик ва вертикал дренаж тармоқлари техник ҳолатининг суфориладиган ерлар унумдорлигига салбий таъсирининг олдини олиш зарурияти.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Махсус комиссия 2004 йил 1 июнгача бўлган муддатда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтини Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантириш чора-тадбирлари комплексини амалга оширишади:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг мутахассислар тайёрлашда тутган ўрни ва ролига, уларнинг қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқлари — мелиорация ва сув хўжалигидаги фаолиятига холисона баҳо берилсин;

институтдаги таълим йўналишлари ва кадрлар тайёрлашнинг ихтисослашуви ўрганилсин, уларнинг ирригация ва мелиорация соҳасидаги замонавий талабларга ва долзарб вазифаларга нечоғлик мувофиқлиги таҳлил қилинсин;

ушбу қарорнинг 2-бандида баён қилинган асосий йўналишлари ва вазифалари жавоб берадиган институтнинг факультетлар йўналиши ва ўқув базасининг мазмунини, кафедраларнинг ихтисослашувини белгилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилсин;

институтнинг илмий изланишлари ва амалий тадқиқотларини қўйидаги устувор йўналишларга — сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишини мақбуллаштириш ва уларни тежашга, тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суфоришнинг илфор методларини ишлаб чиқишга ва кенг қўлланишга, гидротехника иншоотларининг ишончлилигини ва фойдаланиш учун хавфсизлигини таъминлашга қаратиш чора-тадбирлари амалга оширилсин.

4. Махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Тошкент давлат аграр университети, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари тузилмасини ва ўқув-моддий ҳамда методик базаси йўналишини, шунингдек уларга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтидан тегишли мутахассислар олиб берилишини ҳисобга олган ҳолда тайёрланадиган кадрлар мутахассисларни ихтисослашувини қайта кўриб чиқсанлар;

Ўзбекистон Республикаси Йқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоӣ

муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда, тегишли ихтисосдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, 2004/2005 ўкув йили ва кейинги ўкув йиллари учун Тошкент ирригация ва мелиорация институтига қабул қилиш квоталари бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

Тошкент ирригация ва мелиорация институти билан биргаликда 2004/2005 ўкув йили бошлангунгача республика таълим стандартларига мувофиқ Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисларни бўйича ўкув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 март,
150-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

153 Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун норматив хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Пахта ва дон маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, Осиё тараққиёт банки ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари хўжалик фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманинг таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-кувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 2 майдаги 201-сон ҳамда «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Кишлоқ хўжалиги корхоналарни қўллаб-кувватлаш» лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 26 ноябрдаги 461-сон қарорларига мувофиқ кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга киритилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари харидлари бўйича топшириклар ўрнига белгилаб қўйилган харид квоталари белгилангандиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар:

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тиклаш ҳамда мелиоратив қурилиш техникиаси етказиб бериш учун инвестиция харажатларини қоплаш механизми тўғрисидаги вактинчалик низом 1-иловага мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларига киритилган туманларда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш ва харид квоталарини тақсимлашнинг вақтингчалик тартиби 2-иловага мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиширишни молияластириш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низом 3-иловага мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низом 4-иловага мувофиқ;

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси учун уни давлат эҳтиёжлари учун сотиша шартномавий нархларни белгилашнинг вақтингчалик тартиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2004 йил 1 ноябргача бўлган муддатда лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта хом ашёси етишириш ва сотиши ташкил этиш механизмини янада такомилластириш бўйича таклифлар киритсанлар, бунда жалб этилган инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда ҳосилдорликни оширишнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш, қарз маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини назарда тутсиналар.

4. Белгилаб қўйилсинки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиширилган пахта маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ белгиланган тартибда пахта терминаларидан сотилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларининг амалга оширилиши, уларни амалга оширишга ажратилган маблағларнинг самарали ва ўз вақтида сарфланиши устидан доимий назоратни амалга оширсингар.

6. Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг кўрсатиб ўтилган лойиҳаларини самарали амалга ошириш учун Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркиби ўзгартириш агентлигига ҳамда лойиҳаларга киритилган туманлар хокимликларига кредит маблағларидан фойдаланишини назорат қилиш ва ҳисобга олиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва киритилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 март,
153-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 30 мартағи 153-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва
тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ
хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари
ва ирригация тизимларини тиклаш ҳамда мелиоратив қурилиш
техникаси етказиб бериш учун инвестиция харажатларини
қоплаш механизми тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Низом Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-қувватлаш» ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаларини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб аталади) амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ва лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари ҳамда ирригация тизимларини тиклашга ва мелиоратив қурилиш техникаси етказиб беришга инвестиция харажатларини қоплаш механизмини белгилайди.

I. Атамалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги атамалар қабул қилинган:

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги — лойиҳаларни амалга оширувчи ташкилот, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номидан фаолият кўрсатади (кейинги ўринларда Ижро этувчи агентлик деб аталади);

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликлариға айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва ўз фаолиятини мазкур қарор билан тасдиқланган Қайта ташкил этилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш тартибида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Осиё тараққиёт банки (1833-UZB-сон) ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (4644-UZB) билан Қарз битимларига мувофиқ амалга оширувчи бирлашма;

лоийха бенефициарлари — Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси аъзолари ёки лойиҳаларда қатнашувчи ҳар қандай қишлоқ хўжалиги корхонаси, ушбу корхоналар ҳудудида ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимлари бўйича қурилиш тиклаш ишлари амалга оширилади ёки улар томонидан мелиоратив қурилиш техникаси сотиб олинади (кейинги ўринларда бенефициарлар деб аталади);

мелиоратив қурилиш техникаси — Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари га ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тиклаш ва уларга хизмат кўрсатиш мақсадида етказиб бериладиган ер қазиши техникаси (кейинги ўринларда техника деб аталади);

Консультант танлаш — ушбу тартиботлар бўйича Осиё тараққиёт банки ёки

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқ дизайн ва тендер хужжатларини тайёрлаш бўйича консультант танлаш;

тендер бўйича танлаш — ушбу тартиботлар бўйича Осиё тараққиёт банки ёки Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан тасдиқланган талабларга мувофиқ курилиш-тиклаш ишларини бажариш (техника етказиб бериш) учун Пудратчини (Етказиб берувчини) танлаш;

пудратчи — дренаж ва ирригация тизимлари бўйича курилиш-тиклаш ишларини бажариш юзасидан тендер бўйича танлов қатнашчиларига қўйиладиган талабларга жавоб берувчи юридик шахс;

етказиб берувчи — мелиоратив курилиш техникиси етказиб бериш юзасидан тендер бўйича танлов қатнашчиларига қўйиладиган талабларга жавоб берувчи юридик шахс;

дизайн — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июнданги 261-сон қарори билан тасдиқланган Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомга мувофиқ Консультант томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалаш объектининг дала текширишлари асосидаги лойиҳа-смета ҳужжатлари;

консультация маркази — бенефициарларга қишлоқ ҳўжалиги бўйича консультация хизматлари кўрсатиш учун лойиҳалар доирасида ташкил этиладиган қишлоқ бизнеси консультация маркази;

маблағлар йиғиши — бенефициарлар томонидан ички ҳўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тикилаш ёки техника етказиб бериш учун тегишли компонентлар бўйича жалб этилган Осиё тараққиёт банки ёки Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредитларини тўлаш мақсадида (фоизлар ва воситачилик ҳақини хисобга олган ҳолда) Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг маҳсус мақсадли хисоб рақамига пул маблағлари ўтказиш.

II. Консультант танлаш ва унинг хизматларини молиялаштириш

2. Ички ҳўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тикилашга йўналтирилган лойиҳа ечимларини амалга ошириш учун Ижро этувчи агентлик Консультант танлайди ҳамда танлаш натижалари бўйича Консультант билан дизайн ва тендер хужжатларини тайёрлаш юзасидан контракт тузади. Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни молиялаштириш тегишли компонентлар бўйича ажратиладиган маблағлар хисобига амалга оширилади. Контрактда контракт умумий суммасининг кўпи билан 10 фоизини олдиндан тўлаш назарда тутилиши мумкин.

3. Консультант тузилган контрактга мувофиқ ҳамда дала текширишлари асосида Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси билан келишилиши керак бўлган дизайн ва тендер хужжатларини тайёрлайди ва уларни лойиҳалар мақсадларига мувофиқ бўлган курилиш ишларини молиялаштириш учун Ижро этувчи агентликка тақдим этади. Дизайн ва тендер хужжатларини тайёрлаш билан боғлиқ барча харажатлар Осиё тараққиёт банки ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредитларининг тегишли компонентлари доирасида ажратиладиган маблағлар хисобига молиялаштирилади.

4. Ижро этувчи агентлик ва Консультант ўртасидаги қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин Ижро этувчи агентлик маблағларни лойиҳаларнинг маҳсус хисоб рақамларидан кўчиради ва Консультантга контракт суммасининг тўланмаган қисмини тўлайди.

III. Қурилиш-тиклаш ишларини молиялаштириш ва уларнинг харажатларини қоплаш

5. Қабул қилиш далолатномаси имзолангandan кейин:

10 кун мобайнода Ижро этувчи агентлик бенефициарга дизайнни тақдим этади; бенефициарга дизайн тақдим этилган кундан бошлаб 15 кун мобайнода — Ижро этувчи агентлик, бенефициар ва Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ваколатли вакиллари ушбу Низомга иловага* мувофиқ харажатларни молиялаштириш ва қоплаш тўғрисида уч томонлама шартнома (кейинги ўринларда Шартнома деб аталади) тузадилар.

Шартномада кредитларни тўлаш, олинган кредитлар бўйича фоизларни, бир марталик воситачилик ҳақини ва кредитнинг фойдаланилмаган суммаси бўйича мажбурият учун воситачилик ҳақини тўлаш шартлари назарда тутилади.

6. Ижро этувчи агентлик тендер хужжатлари асосида, бенефициар иштирокида қурилиш-тиклаш ишларини бажаришга (техника етказиб беришга) Пудратчини (Етказиб берувчини) тендер бўйича танлашни амалга оширади.

7. Тендер бўйича танлаш натижаларига кўра Ижро этувчи агентлик, Пудратчи (Етказиб берувчи) Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бенефициарлар ўртасида контракт тузилади, контракт шартлари бўйича олдиндан тегишли равишда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ёки Осиё тараққиёт банкининг розилиги олиниши керак.

8. Қурилиш-тиклаш ишларининг (техника етказиб беришнинг) тугалланганлиги беш нусхадаги далолатнома билан расмийлаштирилади, далолатнома Ижро этувчи агентлик, Пудратчи (Етказиб берувчи), Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ва бенефициарнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади.

9. Қабул қилиб олишда Ижро этувчи агентлик, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ёки бенефициар тугалланган қурилиш-тиклаш ишларининг тайёрланган дизайнга мувофиқлиги тўғрисида хуласа олиш учун Консультация марказига мурожаат қилишлари мумкин.

10. Томонлардан бири далолатномани имзолашни рад этган тақдирда пайдо бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ва контракт шартларига мувофиқ ҳал этилади. Ишларни бажариш (техникани топшириш-қабул қилиб олиш) тугалланганлиги тўғрисидаги далолатнома бенефициарлар томонидан қопланадиган Шартномада белгилangan маблағлар миқдорига тузатишлар киритиш учун асос хисобланади.

11. Ижро этувчи агентлик қурилиш-тиклаш ишларини (техника етказиб беришни) молиялаштиришни Осиё тараққиёт банки ёки Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредитларининг тегишли компонентлари бўйича, контракт шартларига мувофиқ ажратиладиган маблағлар хисобига амалга оширади, шунингдек Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини қарз маблағларини зарур даражада хисобга олиш ва фоизларни тўлаш максадида контракт бўйича маблағларни кўчириш тўғрисида хабардор қиласди.

12. Шартномага мувофиқ Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси хар ярим йилликда бир марта асосий қарзни, фоизларни ҳамда мазкур кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва бенефициарлар томонидан ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини яхшилаш ёки техника етказиб бериш учун тўланадиган барча воситачилик тўловларини тўлаш учун ўз ҳисоб рақамига маблағларни йифишни амалга оширади.

* Илова берилмайди.

13. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бенефициарлардан тушган маблағларни шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказади.

14. Ягона қишлоқ хўжалиги корхонаси бенефициар сифатида иш кўрган холларда шартнома тўғридан-тўғри Ижро этувчи агентлик ва қишлоқ хўжалиги корхонаси ўртасида, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (ташкил этмасдан) иштирокисиз тузилади. Бу холда Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ушбу Низомда назарда тутилган барча хукуқ ва мажбуриятлари қишлоқ хўжалиги корхонасига ўтади.

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тиклаш ҳамда мелиоратив курилиш техникаси етказиб бериш учун инвестиция ҳаражатларини қоплаш механизми тўғрисидаги вактинчалик низомга схема

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ички хўжалик дренажлари ва ирригация тизимларини тиклаш ҳамда мелиоратив курилиш техникаси етказиб бериш учун инвестиция ҳаражатларини қоплаш механизми



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 30 мартағи 153-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт
банки лойиҳалариға киритилган туманларда қишлоқ хўжалиги
корхоналари учун пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари учун
ҳисоб-китоб қилиш ва харид квоталарини тақсимлашнинг
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-кувватлаш» ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-кувватлаш» лойиҳаларини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб аталади) рўёбга чиқариш ҳамда лойиҳаларга киритилган туманлар қишлоқ хўжалиги корхоналари учун давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш ва харид квоталарини тақсимлаш тартиботини белгилайди.

2. Тегишили туманларда лойиҳаларни амалга ошириш даврида пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг давлат харидлари бўйича топшириқлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 2 майдаги 201-сон ва 2001 йил 26 ноябрдаги 461-сон қарорларида белгиланган ҳажмларда ҳар йиллик харид квоталари билан алмаштирилган.

3. Ички хўжалик ва хўжаликлараро ирригация-дренаж тизимларини тиклаш ишларининг тугалланишига ва бунинг натижасида лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарида экин майдонлари кенгайиши ва ерлар сифатининг яхшиланишига қараб якка тартибдаги харид квоталари, пахта хом ашёси ва дон экинлари хосилдорлиги ортишининг тузатиш коэффициентини умуман лойиҳаларга киритилган туманлар бўйича харид квоталарини тенг равища кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқилиши мумкин.

4. Якка тартибдаги харид квоталари — лойиҳалarda қатнашувчи хўжаликлар учун белгиланадиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун амалдаги прейскурант нархлар бўйича харид қиладиган тайёрлов ташкилотларига сотиладиган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари ҳажми.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркиби ўзгартириш агентлиги лойиҳаларга киритилган туманлар ҳокимлеклари билан биргаликда ушбу туманлар учун белгиланган квоталар ҳамда ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда мазкур Тартибга мувофик ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси учун пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг якка тартибдаги харид квоталарини ҳисоблаб чиқади.

Лойиҳаларда қатнашувчи ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича якка тартибдаги харид квоталари туман ҳокимлеклари томонидан тасдиқланади ва давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш прогноз ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилади.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари учун якка тартибдаги харид квоталарини ҳисоблаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳар йилнинг 1 июлидан кечикмай, ерларида янги фермер хўжаликлари ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг якка тартибдаги харид квотаси асосида шундай тартибда амалга оширилади.

6. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси учун белгиланган якка тартибдаги харид квотаси лойиҳаларни амалга ошириш муддати мобайнода амал қиласи. Ҳар бир

алоҳида қишлоқ хўжалиги корхонаси ўзининг якка тартибдаги харид квотаси бажарилиши учун тегишли контрактация шартномаларида белгиланган тартибга мувофиқ жавоб беради ҳамда учинчи томонларнинг давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш юзасидан мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун харид квотасини ҳисоблаб чиқиша пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажмлари сифатида 1997—2001 йиллар даврида амалда етиштирилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажмлари қабул қилинади.

1997 йилдан кейин ташкил этилган фермер хўжаликлари учун якка тартибдаги харид квотасини ҳисоблаб чиқиша пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажмлари сифатида фермер хўжалиги рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб амалда етиштирилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажми қабул қилинади.

Янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари учун белгиланадиган харид квотасини аниқлаш учун пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмлари пахта ва фалла экиладиган ер участкаси майдони, ерларида фермер хўжалиги ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонасининг 1997—2001 йиллар давридаги ўртача йиллик хосилдорлиги асосида, Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ фермер хўжалигига берилган ерлар сифатини (тупроқ бонитетини) ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқарлади.

7. Туман бўйича 1997—2001 йилларда пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмлари (O_{pp}) қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O_{pp} = \frac{O_1 + O_2 + \dots + O_n}{K_l} \quad (1), \text{ бунда:}$$

$O_1; O_2; O_n$ — туман бўйича 1997—2001 йилларда пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштиришнинг йиллик ҳажмлари;

K_l — ўртача йиллик кўрсаткични аниқлашда фойдаланиладиган йиллар сони.

Лойихадаги туман бўйича давлат харидлари коэффициенти — K_{3p} қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{3p} = Q_{3p} : O_{pp} \quad (2), \text{ бунда:}$$

Q_{3p} — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 майдағи 201-сон ва 2001 йил 26 ноябрдаги 461-сон қарорларига мувофиқ белгиланган лойихадаги туман бўйича пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш юзасидан давлат харид квоталари ҳажми (тонна).


8. Пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш юзасидан якка тартибдаги харид квотаси — Q_{3p} қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$Q_{3p} = O_{sp} * K_{3p} \quad (3), \text{ бунда:}$$

O_{sp} — қишлоқ хўжалиги корхонасининг пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш ўртача йиллик ҳажмлари (тонна).

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларига киритилган туманларда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун пахта ҳом ашёси ва дон маҳсулотлари учун хисоб-китоб қилиш ва харид квоталарини тақсимлашнинг вақтингчалик тартибига схема

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларига киритилган туманларда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун пахта ҳом ашёси ва дон маҳсулотлари учун хисоб-китоб қилиш ва харид квоталарини тақсимлаш



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 30 мартағи 153-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт
банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари
томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча
етиштирилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари
етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманинаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-қувватлаш» ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаларини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб аталади) рўёбга чиқариш ҳамда лойиҳаларга киритилган туманлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди.

2. Лойиҳаларга киритилган туманларда 2002 йил қишлоқ хўжалиги мавсумидан бошлаб пахта хом ашёси ва бошокли дон маҳсулотлари бўйича белгиланган харид квоталари жорий этилган, улар учун ҳисоб-китоблар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишга доир амалдаги прејскурант нархлари бўйича амалга оширилади.

Лойиҳаларда қатнашувчи ширкат хўжаликларининг харид квоталари доирасида пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш белгиланган тартибда, контрактация шартномаларидан келиб чиқсан ҳолда амалдаги прејскурант нархлари бўйича амалга оширилади.

Лойиҳаларга киритилган туманлар жойлашган минтақалар фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтгунга қадар, лойиҳаларда қатнашувчи фермер хўжаликларининг пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш худди шундай шартларда амалга оширилади.

Лойиҳаларга киритилган туманлар жойлашган минтақалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарорига 5-иловада тасдиқланган муддатларда тўғридан-тўғри имтиёзли кредитлаш механизмига ўтгандан кейин, лойиҳаларда қатнашувчи фермер хўжаликларининг харид квоталари доирасида пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш кўрсатиб ўтилган механизмга мувофиқ амалга оширилади.

3. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳасида қатнашаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари харид квоталаридан ортиқча пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришни Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг ушбу лойиҳа бўйича очилган кредит линияси ҳисобига амалга оширишлари мумкин.

Валюта тури ва кредит суммаси, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар миқдори ва молиялаштириш шартлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжা-

лиги корхоналарини таркибий ўзгаририш агентлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ўтасидаги Қарз тўғрисидаги битимга 5-илова В қисмининг 1-бандида белгиланган тарабларга мувофиқ танлаб олинган Ўзбекистон Республикаси банки ўртасида тузилган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки қарзини қайта кредитлаш тўғрисидаги 4644-UZ-сон битим шартларига биноан белгиланади.

4. Лойихаларда қатнашаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг харид квоталаридан ортиқча пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш ҳар қандай тижорат банки томонидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган кредит шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу ҳолда фермер хўжаликларини кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 4 марта 465-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 марта 907-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби»га мувофиқ амалга оширилади.

5. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори кредит шартномаси асосида қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади.

6. Лойихаларда қатнашаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари харид квоталаридан ортиқча пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиштиришни молиялаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилувчи ташкилот билан ўз ихтиёрига кўра шартнома тузиш хуқуқига ҳам эга. Бунда харажатларни молиялаштириш контрактация шартномасидан келиб чиқсан ҳолда мазкур Низомнинг 2-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.


Ушбу ҳолда харид квоталаридан ортиқча етиштирилган ва давлат эҳтиёжлари учун сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун узил-кесил ҳисоб-китоблар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

пахта хом ашёси учун — Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойихаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси учун уни давлат эҳтиёжлари учун сотища шартномавий нархларни белгилаш тартибига мувофиқ берилган аванс (кредит)дан фойдаланиш даври учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқариладиган, берилган аванс (кредит) маблағлари суммасидан фойдаланганлик учун тўлов сифатида чиқариб ташланадиган чегирма (дисконт)ни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган шартномавий нархлар бўйича;

дон маҳсулотлари учун — шартномавий нархлар бўйича.

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиширишни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вактнинчалик низомга схема

Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиширишни молиялаштириш



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 30 мартағи 153-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт
банки лойихаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари
томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча
етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган
пахта маҳсулотларини сотиш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни кўллаб-куватлаш» ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини кўллаб-куватлаш» лойихаларида (кейинги ўринларда лойихалар деб аталади) қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квотасидан ортиқча етиштирилган ва уларнинг ихтиёрида қолдириладиган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини сотиш тартибини белгилайди.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари мазкур Низомга мувофиқ белгиланган харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинадиган пахта толасини, линт ва бошқа қўшимча маҳсулотларни сотадилар.

Хўжаликлар томонидан амалда тайёрланган пахта хом ашёси ҳажми пахта хом ашёсини қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш тугаллангандан кейин сортлар ва типлар бўйича дастлабки ҳисобга олиш хужжатлари асосида аниqlанади.

Ҳар йили пахта хом ашёси тайёрлаш якунларига кўра Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги статистика органлари билан биргаликда Иқтисодиёт вазирлигига лойихаларда қатнашувчи барча қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича тайёрланган пахта хом ашёсининг йиғма ҳажмини, белгиланган харид квотаси ҳажмини ва харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта маҳсулотлари ҳажмини алоҳида кўрсатган ҳолда, шунингдек пахта маҳсулотларини сотиш йўналишлари бўйича таклифларни тақдим этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги харид квотасидан ортиқча етиштирилган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда пахта маҳсулотлари балансини тузади ва пахта маҳсулотларини сотиш йўналишлари бўйича таклифларга мувофиқ ушбу ҳажмларни марказлаштирилмаган экспорт ёхуд ички бозорда сотиш тоифасига ўтказади.

4. Лойихаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августда 1267-сон билан рўйхатдан ўтказилган Пахта толасини Ўзбекистон Товар-хом ашё биржаси орқали сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда назарда тутилган шартларда Ўзбекистон Товар-хом ашё биржасининг ким ошди савдоларида;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 12 июлдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Юқори ликвидли маҳсулотларнинг айрим турларини ким ошди савдосида кафолатланган миқдорларда сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ — «Ўзаукционсавдо» шўъба корхонаси орқали; амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ пахта толаси учун ҳисоб-китобларни

воситачилик шартларида амалга оширган ҳолда, қишлоқ хўжалиги корхоналари шартнома тузадиган ташки савдо компаниялари орқали ёхуд Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 3 июнданги 240-сон қарорига 1-иловага мувофиқ схема бўйича сотиш хукуқига эга.

Пахта толасини мазкур бандга мувофиқ сотиш ихтисослаштирилган миңтақавий пахта терминалларидан (кейинги ўринларда терминаллар деб аталади) амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан тузилган контрактларни рўйхатдан ўтказиш Ташки иқтисодий алоқалар агентлигига, хисобга қўйиш — ваколатли банкда ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Пахта толасини экспорт қилиш контрактларини рўйхатдан ўтказиш пайтида нархнинг мувофиқлигини баҳолашда «Коттон Оутлук» «A» индекси ва унинг Ўзбекистонлик компонентининг терминалнинг франко-ташувчи (FCA) етказиб бериш шартларига келтирилган котировкасининг ўртача кўрсаткичларига мувофиқ нархлар асос сифатида қабул қилинади.

Экспорт қилиш юзасидан тузилган контрактларни рўйхатдан ўтказиш ва хужжатларни расмийлаштириш:

маҳсулотни ташки савдо компаниялари орқали экспорт қилишда — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 2 декабрда 988-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга мувофиқ;

маҳсулотни «Ўзаукционсавдо» шўъба корхонаси орқали экспорт қилишда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 12 июлдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади.

6. Қайта ишловчи корхоналар қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларга биноан ва уларнинг топшириғига кўра пахта маҳсулотини қайта ишлаш, ўраш-жойлаш ва маркировка қилиш, мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш, маҳсулотни терминалларгача етказиб беришга доир хизматлар кўрсатдилар.

Пахта терминаллари қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларга биноан пахта маҳсулотини тушириш, ортиш ва сақлаш, товарга илова қилинадиган зарур хужжатларни расмийлаштиришга доир хизматлар кўрсатадилар.

Пахта толасини экспортга юклаб жўнатиш лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ёки уларнинг топшириғига кўра, ташки савдо компаниялари томонидан тегишли ташкилотлар («Ўзбекистон темир ўйлари» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон «Сифат» маркази, «Ўзбекэкспертиза», Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзкарантин», юк экспедиторлари ва бошқалар) билан қонун хужжатларига мувофиқ тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

7. Ташки савдо компаниялари лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квотасидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини сотишдан тушган хорижий валютадаги тушумни ушбу корхоналар хисоб рақамларига, кўрсатиб ўтилган маҳсулотни сотиш харажатларини чегириб қолган ҳолда, тўлиқ ҳажмда ўтказадилар.

8. Пахта маҳсулоти «Ўзаукционсавдо» шўъба корхонаси орқали сотилганда лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари валюта тушумининг бир қисмини, умумий валюта тушумининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда Йифма барқарорлаштириш фондига сотадилар.

Пахта маҳсулоти ташки савдо компаниялари орқали сотилганда лойиҳаларда

қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари валюта тушумининг бир қисмини қонун хужжатларига мувофиқ ваколатли банкларга, умумий валюта тушумининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда, сотадилар.

Валюта тушумининг бир қисмини сотиш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июнданги 245-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июнданги 263-сон қарорининг 5-бандига мувофиқ валюта тушумининг бир қисмини сотишдан озод қилиш тарзидаги кичик тадбиркорлик корхоналари учун назарда тутилган имтиёзлар лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта толасини экспорт қилишига татбиқ этилмайди.


9. Лойиҳаларда қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари харид квотасидан ортиқча етиширилган пахта хом ашёсini қайta ишлashedan олинган пахта маҳсулотларини сотишдан тушган (ҳам хорижий валютадаги, ҳам Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги) маблағларни олгандан кейин улардан кредитларни қайтариш, пахтани қайта ишлаш корхоналари ва терминалларнинг пахта маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш даврида вужудга келган харажатларини қоплаш учун фойдаланадилар.

10. Харид квотасидан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ихтиёрига кўра Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси ва дон маҳсулотлари етиширишни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вактинчалик низомга ёки Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиширилган пахта хом ашёси учун уни давлат эҳтиёжлари учун сотишда шартномавий нархларни белгилашнинг вактинчалик тартибига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун сотилиши мумкин.

Осиё тараккиёт банки хамда Халкаро тикланиш ва тараккиёт банки лойихаларида катнашувчи кишилек корхоналари томонидан белгиланган харид квоталардан ортика етиширилган пахта хом ашёснин кайта ишландан олинган пахта маҳсулотлари ни сотиш тартиби түрлисида вактиналлик низомга

СХЕМА

Осиё тараккиёт банки хамда Халкаро тикланиш ва тараккиёт банки лойихаларида катнашувчи кишилек корхоналари томонидан белгиланган харид квоталардан ортика етиширилган пахта хом ашёснин кайта ишландан олинган пахта маҳсулотларини сотиш тартиби



Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 30 мартағи 153-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва
тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги
корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча
етиштирилган пахта хом ашёси учун уни давлат эҳтиёжлари
учун сотища шартномавий нархларни белгилашнинг
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ**

1. Мазкур Тартиб Осиё тараққиёт банки иштирокида «Инфратузилмаларни ривожлантиришни, шунингдек Сирдарё вилояти Оқолтин туманинаги таркиби ўзгартирилган хўжаликларни қўллаб-кувватлаш» лойиҳасини ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-кувватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳалар деб аталади) амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ва лойиҳаларга киритилган туманлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиштирилган ва давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёсига шартномавий нархларни шакллантириш тартиботини белгилайди.

Харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсими бошқа харидорларга сотиша Осиё тараққиёт банки ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки лойиҳаларида қатнашувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан белгиланган харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсими қайта ишлашдан олинган пахта маҳсулотларини сотиша тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. Лойиҳаларга киритилган туманлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсими давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш шартномавий нархларда амалга оширилади.

Хизмат кўрсатувчи банклар иштирокида қишлоқ хўжалиги корхонаси, пахта тозалаш корхонаси ва «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси ўртасида харид квоталаридан ортиқча етиштирилган ва давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёси ҳажми юзасидан шартнома тузилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркиби ўзгартириш агентлиги хар йили, ҳосил йиғим-терими бошлангунга қадар бир ой олдин харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси учун шартномавий нархларни ҳисоблаб чиқади, уни ўн кун мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишади ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказади.

4. Пахта хом ашёси учун ўртача ҳисобланган шартномавий нархлар пахта толаси чиқишининг базавий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, 1 тонна пахта толасини нетто вазни бўйича сотиша жами ҳаражатларини, шунингдек 1 тонна пахта толаси ҳисобида уларни тайёрлаш, сақлаш ва қайta ишлаш бўйича ҳаражатларини чегирган ҳолда қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Pi_d = ((\Pi_m - Z_{pb}) \times K_b - Z_n) \times B_b, \text{ бунда:}$$

Π_d — 1 тонна пахта толасининг ўртача шартномавий нархи, сўм;

Π_m — А индексининг ва унинг Ўзбекистон компонентининг ҳисоб-китобни Молия

вазирлигига келишиш учун тақдим этилгунга қадар бир ой мобайнида V типдаги I сорт, 35 кодли, «Ўрта» классдаги нетто вазни бўйича 1 тонна пахта толаси учун АҚШ доллари хисобидаги ўртача қиймати (CIF Шимолий Европа портлари — «Коттон Оутлук» «A» индекси котировкаси);

Z_{pb} — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан келишилган, 1 тонна пахта толасининг (нетто) экспорти билан боғлик харажатларнинг чекланган миқдори, бунга ташқи савдо компанияларининг воситачилик ҳақи ҳам киради, АҚШ доллари хисобида;

K_b — хисоб-китоб Молия вазирлигига келишиш учун тақдим этилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўмга нисбатан АҚШ доллари курси;

Z_n — 1 тонна пахта толаси хисобида тайёрлаш ва сақлаш ҳамда қайта ишлаш учун хисоблаб чиқилган харажатлар, шу жумладан «Ўзпахтасаноат» ўюмасининг воситачилик ҳақи, сўм хисобида;

B_b — пахта толаси чиқиши меъёри, коэффициент.

Кўрсатилган формула бўйича аниқланган ўртача хисобланган шартномавий нархдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги 240-сон қарори (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 октябрдаги 450-сон қарори таҳририда) билан тасдиқланган Пахта толасини экспортга сотишнинг ва пахта толаси учун ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан хисоб-китоб қилишнинг вактинчалик тартибида 1-иловада келтирилган қайта хисоблаш коэффицентларини қўллаган ҳолда 1 тонна пахта хом ашёсининг ҳар қайси типи ва сорти бўйича шартномавий нархлари хисоблаб чиқилади.

5. Хисобланган шартномавий нархлар лойихага киритилган туманлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сотиладиган, Ўзбекистон Республикаси РСТ 615-94 стандарт талабларига жавоб берадиган пахта хом ашёсига жорий этилади.

6. Лойихаларда катнашуви қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан харид квоталаридан ортиқча етиширилган ва давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган пахта хом ашёси учун хисоб-китоблар пахта тозалаш корхоналарининг маҳсус хисоб рақамлари орқали «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари томонидан куйидаги тартибда амалга оширилади:

пахта хом ашёси қабул қилингандан кейин 7 кун мобайнида, таққослаш дало-латномасига асосан ва унинг сифат кўрсаткичларига қараб, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан топширилган пахта хом ашёси қийматининг 80 фоизи хисобланган шартномавий нарх бўйича тўланади;

харид квоталаридан ортиқча етиширилган ва давлат эҳтиёжлари учун сотилган пахта хом ашёсими қайта ишлашдан олинган пахта толаси «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси томонидан ташқи савдо компанияларига юклаб жўнатилган пайтдан бошлаб 7 кун мобайнида, пахта толаси ҳақиқий чиқишидан, пахта толасининг белгиланган жаҳон нархидан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг юклаб жўнатиш кунида амалда бўлган курсидан келиб чиқиб шартномавий нархлар ўзгаришини қайта хисоблаш асосида узил-кесил тўлов амалга оширилади.


7. Стандарт талабларига мувофик бўлмаган пахта хом ашёси учун тўлов, харид нархлар прејскурантида белгиланган тартибида асосан хисобланган шартномавий нархдан чегирма билан амалга оширилади.

8. Харид квоталаридан ортиқча харид қилинган пахта хом ашёсининг техник чигитидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томони-

дан қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланган улгуржи-сотиш (шартномавий) нархлари бўйича сотиб олинади.

9. Харид квоталаридан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларга нархлар ишлаб чиқарувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 1997 йил 31 мартағи 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланишини назорат қилиш тартибига мувофиқ белгиланади.

Осиё тараккиёт банки хамда Халкаро тикланиш ва тараккиёт банки лойихаларида катнашувчи кишилкүчлөрдөн көрхоналарды томонидан харид квоталардан ортика етиштирилган пахта хом ашёси учун тарбиялык квоталардан хамда квоталардан пахта хом ашёси учун сотишда шартномавий нархларни белгилдининг схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

154 «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида

Республика Кимё саноати корхоналарида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, юқори сифатли, рақобатбардор минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди:**


1. «Электрокимёзавод» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига кирувчи корхоналар таркибига киритилсин.
2. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ташкилий тузилмасига иловага мувофик ўзгартришлар киритилсин.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати қўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 январдаги 33-сон қарорига 1-иловава ўз кучини ўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазқур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 31 март,
154-сон

Вазирлар Махкамасининг
2004 йил 31 мартағи 154-сон карорига
ИЛОВА

«Ўзкимёсаноат» ДАК ташкилий тузилмаси



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

155 Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 954-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 августдаги 420-сон «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 9 августда 954-сон билан рўйхатга олинган «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 январь,
393-2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**156 Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир та-
лаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 809-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2003 йил 21 майдаги 20-03-9/10-сонли
такдимномасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил
30 март 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат
мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаш-
тириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли
қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томо-
нидан 1999 йил 30 июнда тасдиқланган Депозитарий фаолиятини амалга оширишга
доир талаблар тўғрисидаги низом (1999 йил 31 август, рўйхат раками 809-сон)нинг
1-иловасидаги 15-16, бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйха-
тидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қофозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 20 февраль,
2004-04-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

157 Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 681-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» янги таҳрирдаги Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. «Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 22 март, рўйхат рақами 681-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
294-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

158 Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 468-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги янги

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

тахирдаги Конунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисидаги низом»га (1998 йил 3 август, рўйхат рақами 468-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
34-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

159 Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 673-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги янги тахирдаги Конунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (1999 йил 15 март, рўйхат рақами 673-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
439-1-сон

* Иловалар рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**160 Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг
Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги
ҳисобваракларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 510-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартиба солиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобваракларини юритиш тартиби»га (1998 йил 22 октябрь, рўйхат рақами 510-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
231-1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

161 Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 1114-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги янги таҳирдаги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувি қарор қиласди:

1. 2002 йил 21 февралдаги 505-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низом»га (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1114-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсун.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан 10 кун ўтгандан сўнг кучга киритилсун.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
505-4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

162 «Тижорат банкларига чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
29 марта 463-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» янги таҳирдаги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкি Бошқаруви қарор қиласди:

1. «Тижорат банкларига чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

учун лицензиялар бериш қоидаларига»га (1998 йил 3 август, рўйхат рақами 463-сон) иловага* мувоғиқ ўзгариши ва қўшимчалар киритилсин.

2. Валютани тартибга солиш ва ташки алоқалар департаменти (К.Қ. Янгаев)га 10 кун муддат ичидан мазкур қарорни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
31-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ БУЙРУФИ

163 «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилфи маҳсулотларининг микдорларининг етказиб бериш тўғрисидаги низомни тасдиқ- лаш тўғрисида»ги 2001 йил 5 мартағи 56-сонли буйруқни бекор қилиш ҳақида

*(2004 йил 29 марта давлат реестридан чиқарилда,
рўйхат рақами 1015-сон)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишининг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 57-сонли қарорига асосан **буюраман**:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2001 йил 5-мартағи «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилфи маҳсулотлари микдорларини етказиб бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 56-сонли буйруғи бекор қилинсин.

2. Капитал қурилиш ва қурилиш ишларини ташкил этиш бошқармасига (Абдуқаҳоров):

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2001 йил 10 марта 1015-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилфи маҳсулотлари микдорларини етказиб бериш тўғрисидаги низом»ни бекор қилиш тўғрисида таклиф тайёрлансан:

Низом бекор қилингани тўғрисида тегишли вазирлик ва идораларга хабар қилсан.

3. Мазкур буйруқни бажарилишини назорат қилиш Сув хўжалиги бош бош-

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

қармаси бошлигининг ўринбосари вазифасини бажарувчи У. Азимов зиммасига юклатилсин.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 март,
71-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

164 Акциядорлик жамиятларида давлат ишончли вакиллари фаолиятини тақдирлаш тартиби ва давлат акциялари пакетларининг ишончли бошқарувчилари фаолиятини тақдирлаш тартибини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

(2004 йил 29 марта давлат реестридан чиқарилда,
рўйхат рақами 601, 602-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **карор қиласди**:

«Акциядорлик жамиятларида давлат ишончли вакиллари фаолиятини тақдирлаш тартиби» (1999 йил 20 январь, рўйхат рақами 601-сон) ва «Давлат акциялари пакетларининг ишончли бошқарувчилари фаолиятини тақдирлаш тартиби» (1999 йил 20 январь, рўйхат рақами 602-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 4 март,
01/06-05-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 4 март,
39-сон

**Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 4 март,
12/727-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

165 Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 марта 511-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги янги тахирдаги Конунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ваколатли банклар чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (1998 йил 22 октябр, рўйхат раками 511-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 февраль,
232-4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

166 Юк ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзлари бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 марта 1331-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 9 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2004 йил 4 февралдаги 67-ф-сонли фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Тожикистон Республикаси Хукуматлари ўртасида 2004 йилда юкларни ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш ва Тожикистон Республикаси давлат қарзи тўғрисида 2003 йил 29 декабрда имзоланган келишувга мувофиқ **қарор қиласиз**:

1. «Юк ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзлари бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсан.

3. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2003 йил 22 майдаги 70-сонли ва 229-В-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Юк ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзлари бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом» ўз кучини ўқотади (2003 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1248-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 11-сон).

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 март,
44-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 март,
251-В-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

167 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга З-сон ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
2 апрелда 1204-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 12 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга З-сон ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама килиб, Бошқарув қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 22 январда 1204-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга З-сон ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 март,
6/7-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2004 йил 13 марта 6/7-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари
ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган
номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби
тўғрисидаги низомга З-сон ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-бандда «Комиссия сұхбатидан» сўзларидан сўнг «ва (ёки) тест синовидан» сўзлари билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2. 10-банднинг саккизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«кичик бизнесни кредитлаш тартиби;»
3. 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«20. Ходимнинг лавозимига мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган сұхбат ва (ёки) тест синови орқали аниқланади. Сұхбат ва (ёки) тест натижаларига кўра номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга мувофик ёки мувофик эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор тижорат банкларига ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига етказилади.».
4. 23-бандда «Комиссияга қайта сұхбатга» сўзларидан сўнг «ва (ёки) тест синовига» сўзлари билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 27 марта 2 апрелгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 24 январдаги 393-2-сон қарори.

2004 йил 29 марта 954-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

2. «Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши маркази бош директорининг 2004 йил 20 февралдаги 2004-04-сон буйруғи.

2004 йил 29 марта 809-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

3. «Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада қредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 294-1-сон қарори.

2004 йил 29 марта 681-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан олиб бориладиган касса иши тўғрисидаги низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 34-1-сон қарори.

2004 йил 29 марта 468-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

5. «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада тақдим этувчига бериладиган депозитларга доир операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 439-1-сон қарори.

2004 йил 29 марта 673-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

6. «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобваракларини юритилиш тартибига ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 231-1-сон қарори.

2004 йил 29 марта 510-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

7. «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 505-4-сон қарори.

2004 йил 29 марта 1114-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

8. «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 31-2-сон қарори.

2004 йил 29 марта 463-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 8 апрелдан кучга киради).

9. «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 232-4-сон қарори.

2004 йил 30 марта 511-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 апрелдан кучга киради).

10. «Юкларни транспортда ташиш, газ, ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси ичida ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва 2004 йилда Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 12 марта 44, 251-В-сон қарори.

2004 йил 30 марта 1331-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 9 апрелдан кучга киради).

11. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомга 3-сон ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 марта 6/7-сон қарори.

2004 йил 2 апрелда 1204-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва МТПларга ажратилган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларининг миқдорларини етказиб бериш тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (10.03.2001 й., рўйхат рақами 1015).

Адлия вазирининг 2004 йил 29 мартағаги 75-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили фаолиятини тақдирлаш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўймитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган (20.01.1999 й., рўйхат рақами 601).

Адлия вазирининг 2004 йил 29 мартағаги 76-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Давлат акциялари пакетини ишончли бошқарувчилари фаолиятини тақдирлаш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўймитаси, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган (20.01.1999 й., рўйхат рақами 602).

Адлия вазирининг 2004 йил 29 мартағаги 77-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Юкларни транспортда ташиш, газ, ёнилфи-мойлаш материалларини етказиб бериш учун Ўзбекистон Республикаси ичидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва 2003 йилда Тожикистон Республикасининг давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувчи томонидан тасдиқланган (10.06.2003 й., рўйхат рақами 1248).

Адлия вазирининг 2004 йил 30 мартағаги 79-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги конунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестиридан чиқарилди.